

“Вақф” фондинг келгуси фаолиятига доир муҳим вазифалар белгиланди



17:13 / 23.01.2025 1369

Шу йил 22 январь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари раисликларида “Вақф” хайрия жамоат фонди Васийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Фонднинг ўтган йилдаги иш фаолияти ҳисоботи, хайрия ишлари кўлами ва келгусидаги истиқболли дастурлари кўриб чиқилди.

Сўзга чиққан нотиклар Фонд томонидан кам таъминланганларни қўллаб-қувватлаш, хусусан, камбағал оилалар фарзандларини касб-ҳунарга ўргатиш, беморларни даволаш, ногиронларни реабилитация қилиш, ўқув юртларида ўқиётганларнинг тўловларини қоплаш ва ёрдамга муҳтож инсонларга озиқ-овқат, кийим-кечак, маиший техникалар улашиш борасида қилинган салмоқли ишларни юқори баҳоладилар.

Айниқса, турар жойга эҳтиёжи бўлган фуқароларга тўлиқ жиҳозланган уйлар қуриб берилгани, ҳудудларда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилалар учун болалар боғчаси, тикув, қандолат цехлари, сартарошхона, нонвойхона ва ўқув марказлари фойдаланишга топширилгани, бепул тиббий кўриқдан ўтказилгани, ёрдамга муҳтож оила фарзандларига ўқув қуроллари тарқатилгани ва чекка ҳудудларда қудуқ қазиб, сув чиқариш ишлари амалга оширилгани ҳамда ўқув марказлари, тиббиёт муассасалари ва хорижий ҳамкорлар билан алоқалар ҳам эътироф этилди.

Шунингдек, Фонд олдида турган муҳим вазифалар, 2025 йил учун даромад ва харажатлар сметаси, ишлар режаси ва истиқболли дастурлар лойиҳалари йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинди.

Муфтий ҳазратлари Фонднинг келгуси фаолиятида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли қатламини қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, меҳр-мурувват тадбирлари салмоғини ошириш ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан ҳамкорликда хайрия лойиҳаларини ривожлантириш кабиларни таъкидладилар.

Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Давронбек Махсудов Фонд фаолиятини оммалаштириш, кўчмас мол-мулклардан самарали фойдаланиш, хорижий илғор тажрибаларни ўрганиш ва маблағлар айланмасида шаффофликни таъминлаш кабиларга урғу қаратди.

Йиғилишда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати